

## Ватан Ичра Беватан

(қисса)

Қобирғаларни синдириб олмиш. Сўнг авайлаб юрагини қинидан суғуриб тортмиш. Қобирғадан бир қалам йўниб ясалмиш. Потирлаган юрак шўрлик беомон сиқилмиш. Тайёр бўлмай сурх сиёҳ. Лаҳм гўштлардан саҳифалар очилмиш. Ҳарфлар маржон мисол тизилмиш. Аттанг, сўнг битта-битта узилиб кетмиш.

Шундай. Қуёш қатра мисол қалқимас. Ер ўпирилиб кетмаяжак, ё алалхусус, осмон ўқчиб-ўқчиб қон қусмас. Магар ўзинг-ўзингга юпанч бўла олмас экансан, бировнинг далдаси сенга чи кора?!

Ҳаракатдаги қобирға-қалам қайтадан ўйноқлар ва бунда ҳаёт безалиб ёзила бошлар. Ҳарфлар лаҳмгўштлар саҳифасида маржон мисол тизила бошлар. Аммо ҳеч зог англамаски, шу кесгир қобирға қон қатралари ила одамларнинг бахт ҳақидаги ажойиб ўйларини бира-тўла сўндириб ташлашга қодир. “Рўё-рўё, ба сари мо, ба сари мо!” деганди форсийзабон бир ҳофиз. Шундай бўлақолсин. Жисман ўзни йўқотиб, ҳеч қаерда ҳеч қачон бўлмагандай тугаб, бўшаб қолдингми?

Тўлқинлар мавжига қараб мантиқ қила бошлайсан. Бироқ бу тилсиз тўлқинларга сенинг мантиғинг чикора. Оқар сувлар оқаверар. Лекин айнан ўша тўлқинлар менга ёвузликнинг тахир таъмини туйиб, ундан эзгулик уруғини қандай сочмоқни ўргатган. Ўзингдан кўра тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлаган қайроқтошлар бирнав кўринади кўзингга. Улар денгиз наъра тортиб, ўшқирганида уйку кучоғида эди. Тўлқинлар қирғоққа урилганида чўчитиб юборди. Шундан буён уйғоқ. Шундан буён бедор, беҳаловат сим-сим йиғлаюр.

Тиним билмас тўлқинлар-да уларнинг тусини ювиб ўчиролмас. На бўронлар-да уларни жойидан кўзғата олар. Ҳатто ўзим-да уларнинг жарангига маҳлиё эдим - эрмак учун бирининг устига бошқасини отдим. Лекин ўзим билан олиб кетмоққа ботинолмадим. Бир нарсани англадимки, бу англовдан ўзим даҳшатга тушганлигим рост. Исми нима эди?...

.....  
...палахмон тоши отган жойингга бориб тушади. Нега мен бу қайроқтошларга бунчалар мафтунман?

Босиб ўтар эканман, учқур тошлар тилади товонимни. Югураман, тошлар қон, бағрлар қон югураман. Исми нима эди? Яна ёдимдан кўтарилди.

Лаънати вақт қаҳрабо толқонини гулгун юзига сепаиб улгурган, толқон юзли-доғли, ажин оралаб тарашамисол тиришган, ғамдан сочларига бит оралаган ёсуман кампирмидинг, айт, фалак?

Ва ёки энди туғилган, ҳали шўри кетиб улгурмаган, оҳорли, навнихол, кўзлари кўзмунчок кўзичоқмидинг, айт, дунё?

Қон қақшатган жабрмидинг?

Ичсанг болинг тахирмиди, айт?

Аслида уч-тўрт ойни мўлжаллаб, Дажлага қайиқ солиб эдим, лекин номи хаёлимдан фаромуш кўримсиз кўрфазда қолиб кетиш пешонамда эди. Кўрфаздан чиқиб, қирғоқдаги қайроқтошларни босган кўйи туйқус товонимга қарадим. Тилим-тилим товонимдан конлар оқса-да, оғриқ сезмасдим. Фақат қобирғаларим зиркираб оғрирди.

Тонг ёришай деб қолган, юлдузлар тим қора осмон денгизда нурсиз балқийди. Улар хира ханда отиб, сўнг тобора сўна бошлади. Яқин орада бунақанги сокин, айни пайтда фаромуш тонгни кўрган эмасман. Қия кўтарилиб келаётган қуёшнинг нафис шуълалари тобора соб бўлаётган тонгнинг фарахбахш шаббодаси билан қўшилиб бораётир.

Фалақда бир мужда яққол кўринди. У илоҳий шуълаларини таратмоқ учун тасалло айлаб, сиймин ташлади. Ҳар гал шундай, тўлқинлар қирғоққа урилиб, денгиз наъра тортганда тонгни соғинавераман.

\* \* \*

Биз анча йўл юргач, карвонга қўшилдик. Сахрои Кабир аро нафас ростламоққа тўхтаган карвон яна субҳи саҳар чоғи йўлга чиққани тараддудда эди.

Карвон бошида бўйнига қўнғироқлар осилган нортуя олдинга қараб йўл олади. Қарангки, мис қўнғироқларнинг бир маромдаги куйи одамни ўзидан бездирмайди, билъақс, туну кун аллалаган мисол жаранглайверади. Бу жаранг дам олгани чўккан нортуялар кўзига уйку илинган кезде ҳам менинг қулоғим остида муаллақ қолади. Ҳозир ҳам нортуялар ана шундай тотли садолар остида яна-да олдинга интилмоқдалар. Олислар томон чўзилган улкан издиҳом орасида ҳижобли бир аёл ҳам бор эди. Соябон аравада бир маромда чайқалиб борарди. Ҳожаси унга яқинроқ бўлиш учун туяни қичайди. Бека ҳожасига сув узатди.

Зард-олуд рангга бўялган осмон равоқлари қуёшнинг қизғиш нурлари билан чулғанди. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган саҳродан ўтишнинг машаққати бисёрлигини биламан. Бу азоблар якунида шодлик эшик қоқиб тургани ҳам аён. Узокда яна қайта кўринмоқ учун йўқолиб бораётган сароб айни дамда менинг кўзларимни қамаштирмоқда эди. Атрофда эсаётган гармсел янтоқ ҳидини димоғимга пуркайди. Туялар оёқлари остидаги янтоқларни писанд қилмай босган кўйи илгарилаб борарди.

Ҳижобли аёл ва ҳожаси манзилларига етган эди. Мен икки кун йўлда бизга ҳамроҳ бўлган бу аёл билан хайр-хўшламоққа тўхтадим.

- Хайр, омон бўлсак, кўришармиз!

- Хайр, -деди у.

Мен уни кучиб, сўнгги бора юзига тикилмоқ учун ҳижобини кўтардим ва сесканиб кетдим.

У мохов еди. Чалғиб кетдим.

Қобирғаларини синдириб олмиш, авайлаб юрагини кинидан тортмиш. Йўниб тайёрланмиш кескир бир қалам. Потирлаган юрак шўрлик беомон сиқилмиш. Сурх сиёҳ ёрдамида ёзилган ҳарфлар ипга яна қайта тизилмиш.

- Бўла қолинг, қараб турибман!

Мен овоз келган томон қайрилдим.

\* \* \*

Начора, аёл бўлгач, шу-да. Рўмолни бошга қайта танғийман. Сўйласа бўладиган, биров хаётнинг арзимас икир-чикирларига шўнғиб яшамок нақадар тотли азоб!

“Фақат туртма, қўзғалмасин дард-афсусларим. *“Duizend-duizend jaren had ik afgelopen. Ben ik veel keer gevallen, ben ik elke keer weer opgestaan.”*

Шуларни қайд этмиш. Сўнгига 24.10.2007 санасини битмиш. Сўнг *Schildstraat* томон бурилиб кетмиш... Мен шуларни қайд этиб қўйдим. Ўшанда чалғиб кетганим чин эди. Буни сизга қандай тушунтирсам. Нафсиламбрини айтганда, айна бу кайфиятни эсанкираш, аниқроғи алаҳсираш десам хақиқатга яқин бўлар.

- Бўла қолинг, қараб турибман,- яна овоз эшитилди.

Айна чалғиш сабаб карвон аҳлидан орқада қолиб кетгандим. Амаллаб уларга етиб олдим. Ва бунда биз яна узок йўлни босиб ўтмоғимиз лозим эди.

Сахро, кум, янтоқзор, дала, сароб...

Ям-яшил гиёҳлар рангини гўё ўзига сингдирган мисол сув кўринди. Ажабки, кафтдек бу жойдан отилиб чиқаётган сув на ўзидан жилға ҳосил қилган ва на-да ирмоқ. Аҳли карвон навбат билан идишларга сув ғамлаб олди. Туялар ҳам суғорилди. Эндигина кўз очган бу булоқча сахро кўйнида сувлар сувратини мангу ҳаёт тимсолида ўзида акс эттирган, киши бошини меҳробга қўйиб сажда этмоқ учун иймон шоҳсупаси томон етаклаб борарди. Ниҳоят, карвон яна йўлга чикди. Булоқ суви тегиб, ором топган кўнглим юмшаб борарди. Аравада бир маромда чайқалиб, кўзимга уйку илинди...

Бир маҳал осмон гулдиради. Гулдирак тоғларда акс-садо бериб, чор-атрофни забтига олди. Абри найсонларни кутиб, тобистонга бағир очаётган қир-адирлар сув қуйгандек сокин. Гулдирак зумда тинди-қолди. Олуд бошларини сағал букиб турган зарғалдоқлар булутлар ортидан кўринаётган кўёшга ним ханда отар. Оппоқ қўйлак кийган Ҳувайдо зарғалдоқларни тера бошлади. У бир кучоқ лолани менга тутқизади. Атрофни муаттар хид тутиб кетган эди.

- Ҳувайдо, нима қилиб юрибсан?-сўрадим мен.
- Лола тераётган эдим. Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? Қаерга отландингиз?-савол қотади.
- Мавло таолло – Маҳбуби Ҳабибни излаб.
- Ҳм-м,-деди у менга тикилиб. –Насиб этса, кўришармиз.-У шуларни айтар экан, даст қайрилди.
- Тўхта, хой Ҳувайдо, ўзинг қаёққа кетяпсан?
- Мен ҳам Маҳбуби Ҳабибни излаб кетяпман.
- Шошма, йўлимиз бир экан, менга ҳамроҳ бўла қол.
- Мен бошқа йўлдан кетяпман.
- Унда номи Ҳабибинг “Ла илаҳа иллаллоҳ” эсингдан чиқмасин.
- Хуш қолинг, манзилингизга саломат етинг.
- Оқ йўл, йўлинг бехатар бўлсин!

Хувайдо икки қўлини ёйиб, қучоқ очганча тобистон қуёшига бағир тутиб, югуриб кетди. “Аллоху Акбар!” Номи Ҳабиб янграр эди.

\* \* \*

“Аллох буюқдир”-беихтиёр пичирладим мен. Англадимки, бу тушим экан. Кўрдимки, ям-яшил қир-адир қўйнида эмас, сахрои кабирда кетмоқдамиз. Биз анча йўлни босиб ўтдик, аҳли қарвон ҳам, туялар ҳам ҳолдан тойган эди. Қарвонсаройга етиб олгач, туяларга дам берилди. Йўлга чиққанидан буён иссиқ таом нелигини билмаган сайёҳлар тамадди қилгач, дам олгани хужраларга жойлашишди.

Йўлда тортган азобларни унутиб, донг қотиб ухлаб қолувдим. Кўзимни очсам, ҳамроҳим уйғоқ экан.

Ҳаётимнинг қайси босқичида турибман ўзи? Англай олмасдим. Мен энди туғилиб кўз очган туйғуларимни яна ўша жойга кўмиб, турмоққа шайланаман. Бундан аввал эса ўзни авайлаб олиб қўяман. Шунда аллақандай майда-чуйда турмуш тарзига жўнгина шўнғиб кетаётганимдан сиқилмайман. Шу тариқа инсоннинг қадр-қимматини пастга урадиган, ғурбатга муккасидан кетган муҳитнинг қурбонига айланишдан омон қоламан. Бунда олий хурликларга элтувчи ҳислар ва туйғулар аллақандай рутубат ичра қолиб кетмагай. Қўлингдан юксак ва олижаноб ишлар келишини биласан-у, лекин чорасизсан. Бу юксак вазифаларни бажаришга имкон берадиган ички қудрат сени омон қўйсинми энди...

Мен дам олиб турдим, дея олмасдим. Худди икки соат эмас, икки кун ухлаб қолган каби ўзимни нохуш ҳис этмоқда эдим.

Ҳамроҳим:

- Бугун қарвонсаройда қоламиз, тушликдан сўнг бир ёққа бормайликми?-деб қолди.
- Қай ёққа?
- Одамлар бу ерда Искандар ва волидасининг мақбараси бор эканини айтишди.-деди.

Мен бироз ўйланиб, таклифига кўна қолдим.

Уни кўхна шаҳарлар, тарихий обидалар, мақбаралар қизиқтирар эди. Менга у Осиёнинг барча нуқталарида бўлганлиги ва ҳамма ёқда Искандар Зулқарнайн ҳақидаги афсона ва ривоятларни йиғиб юрганлигини айтди.

Биз хужрадан чиқиб, сўл томон юрдик. Бир оздан сўнг қаршимизда кўхна нақшлари унниқиб кетган дарвоза кўринди. Ичкарига қадам қўйдик. Атрофда биров кўринмайди. Бир-бирига девор-дармиён қўтанларга кўзимиз тушди. Пахса деворли қўтанлар усти лой билан сувалган, бирининг усти шувоқ ва янтоқ билан бостирилган эди. Биз бошқа бир қўтанга бош суқдик. Бу ерда совлиқдан ажратилган кўзичоқлар охурчаларга калла суқиб, туз ялашарди. Кейингисига кирган эдик, бошларига рўмол танғиб олган икки жувонга кўзимиз тушди. Улар аввал ҳар икки қўйдан бирининг калласини иккинчисига қаратиб боғлаб чиқишди. Буни қўшоқлаш дейилади. Қўшоқланган қўйларни икки аёл икки томондан соға бошлади. Сутга тўлган идишни четда турган бошқа бири бўшатиб келарди. Биз кутиб турдик. Ниҳоят, улар ишларини тугатишди. Аёллардан бири бизни Искандар мақбарасига олиб боришни ваъда қилган эди. Шу пайт ўнг томондаги қўтан ичидан бир чол югуриб чиқиб, бизнинг йўлбошчимизни имлаб чақирди. Ҳаял ўтмай аёл бизнинг қаршимизга беҳафсала қайтиб келди.

- Яна пича кутишларингга тўғри келади, отимиз бетоб. Табибга одам юборгандик, ҳали ҳам дараги йўқ,-деди.

- Нимага?-сўради ҳамроҳим.
- Икки кундан бери пешоб чиқара олмай қийналади.
- Бу жойларда андиз ўсадими?-сўрадим мен.

Чеккада турган чол жавоб қилди:

- Ҳа, ўсади.
- Унда,-дедим мен чолга,-андизни танаси билан кесиб олиб келинг. Малҳам тайёрлаш керак.
- Чол чиқиб кетди.

Ҳамроҳим менга пичирлаб, “оббо, энди шу етмай турувди” деди.

Йўлбошловчи аёл биздан узр сўраган бўлди. Чиндан ҳам отнинг аҳволи оғир эди, силласи куриб ер бағирлаб ётарди. Ниҳоят, чол бир сават андизни кўтариб келди. Мен унга гиёҳларни қайнатишни буюрдим. Тайёр бўлган малҳамни отнинг оғзига қуйишди.

От анча ётди. Малҳам таъсир қилди шекилли, туёқларини ерга тарс-тарс урганча у ёқдан бу ёққа югура бошлади. Сўнг туйқус тўхтаб, пешоб чиқарди. Бадбўй сийдикдан кўнглимиз озаёзди. Отга жон кирди.

Искандар мақбарасини кўрсатишни ваъда берган аёл бизни йўлга бошлади. У бири катта, иккинчиси ҳийла кичикроқ мақбара ёнига бошлаб борди.

Бу мақбаралар жаҳонгир Искандар Зулқарнайн ва унинг онасига тегишли эканини айтди. Мақбараларни кўздан кечириб бўлгач, пастда ястаниб ётган текислик томон юра бошладик. Ҳамроҳим эса алланималарни қайд қилиб борарди. Йўлбошловчи бизни Зулқарнайн қишлоғига етакламоқда эди. Сўқмоқ тугагач, ялангликка дуч келдик. Биз турган жойнинг нариёғида тоғлар орасига олиб борадиган торгина бошқа бир сўқмоқ бор эди. Бу йўл бизни Зулқарнайн қишлоғига элтди. Қишлоқ харобаларига кўзимиз тушди. Биз бир булоқча ёнида тўхтадик. Ҳамроҳимиз гапга анча чечан эди.

- Қаранг,-деди аёл,-мана бу тош атайлаб ётқизиб қўйилганга ўхшайди, аслида эса у азалдан шундай. Булоқчани ўраб турган тошларнинг беш томонидан оқадиган сув йўллари бор. Шу сабаб бу булоқчани “Панж панжа”-“Беш панжа” деб атаймиз. Бу беш панжа Нурота чашмасида ҳам бор. Сув ичидаги балиқлар фақат Нур булоғида, Деҳибаланд, Ғозғон ва мана шу ерда бор. Балиқларнинг ҳаммаси бир хил - уларни тутиб ейилмайди.

Нон ташлаган эдик, балиқлар сув бетига чиқиб, ушоқларни бир-биридан қизғонишиб, тортқилаб еб кета бошлади.

Ҳамроҳим қайдларини давом эттирарди.

Зулқарнайн қишлоғининг энг баланд жойига чиқиб, атрофга боқдик. Нур қалъаси харобалари, уйлар томлари дўппидек кўринарди. Йўл бошловчи яна гапида давом этди:

- Тонгда бу ерга келиб, Нур чашмасини томоша қилсангиз, кўзингизга тандир ичидан тутун чиқаётгандек бўлиб кўринади.

Шунда ҳамроҳим уни бу ерга бошлаб келган нарса Искандар ва унга алоқадор бўлган ривоятлар эканини айтди. Йўлбошловчи бироз ўйланиб, сўнг гапида давом этди:

- Нақл қилишларича, жаҳонгир Искандар мелоддан аввалги 329 йилда булоқ ёнига келиб тўхтади. Унинг навкарлари тоғлар бағридан бир нур кўтарилаётганини кўриб, ҳайратланишади. Бу ерда чашма борлигини ҳукмдорга етказишади. Момоларимиз ўша

пайтлар бу кафтдек жойдан отилиб чиқаётган булоқча ҳийла катта бўлганлигини айтиб беришган. Юринглар, сизларга яна бошқа ерни кўрсатаман.

Биз унинг кетидан эргашдик. Қоятошлар томон илгарилаб бормоқда эдик. Икки қоя орасига кириб борган яланг жойни кўрдик. Ажабки, қоятошлар орасида худди тошлар кўринмас қўллари билан танасини ушлаб турган каби бир бодом дарахти кўкка бўй чўзиб ўсарди. Тоғлар бағридан эсаётган шамоллар уни суғуриб ташламаётганини кўриб хайратландим. Йўлбошловчи айнаи ўша ерни кўрсатиб:

- Биз у жойни “камарча” деймиз.- деди.-Болалигимизда камарчага кириб, беркинмачок ўйнардик. У ерда сизни ҳеч ким кўра олмайди. Бу ёқда эса кишлок харобалари. -У сўл томонни кўрсатди.-Ўша томондан келадиган йўл бор. Шу йўлдан Искандарнинг онаси ўз аскарлари билан кириб келади. Аёл аскарларига кутиб туришни буюриб, икки қоятош орасидаги камарчага кириб кетади. У ҳомиладор эди. Нимадир сабаб бўлиб эри билан тортишиб қолган эди. Жаҳл отига минган аёл шу ернинг ўзида кўз ёриб, боласини ташлаб кетади. Шу кишлокда яшайдиган бир кампирнинг эчкиси бор эди, у ҳар тонг эчкини ўтлагани йўл олган сурувлар сафига қўшиб, шом маҳали яна уйига олиб кетар экан. Кейинги кунларда эчки сут бермай қўйибди. Шунда кампир “Эчким сут бермай қўйди, сен уни соғиб ичяпсан”, деб чўпон бечорани айблади. Чўпон эса буни тухмат дея кампирдан дили оғриди.

Кампир кузатишга қарор қилади. Ҳар куни сурувлар қайтар маҳал қоятош ортидан эчкисини пойлайди. Елинлари сутга тўлиб, яйловдан қайтган эчки камарчага кириб, елинини бўшатиб чиқаркан. “Бу нимаси бўлди” дея кампир қоятош орасига бош суқибди. Не кўз билан кўрсинки, норасида бир гўдак чинқираб йиғлаб ётарди. Тирнокқа зор, фарзандталаб кампир гўдакни уйга олиб келади. Унга Искандар деб ном қўяди. Бола ўсиб улғаяди. Кунларнинг бирида Искандар ўйнаётган тош қўшнисининг урчуғига бориб тегаети, жаҳли чиққан кампир уни шумқадам, бепадар деб уришади. Ҳақоратланган Искандар кампирдан “менинг отам ким?” деб сўрайди. Кампир ўз чолини отанг, деб кўрсатади. Бироқ бола ишонмайди ва уйдан бош олиб чиқиб кетади. Ниҳоят, у ўз падарини топади. Туғиб, аччиқ устида ташлаб кетган онаси ҳам охири бор ўғлини қучиб, жон таслим қилади. Искандар дунёни забт этади. Буларни қайд этиб бўлган ҳамроҳим йўлбошловчига тикилиб, яна нималарни биласиз, деди. У елка қисиб, “билганларим шу” деди.

\* \* \*

Ҳамроҳимга ўзим-да бир афсонани сўзлаб бердим. У юзини куёшдан пана қилиш мақсадида қўлини боши устига қўйиб, ривоятга сомеъ бўлди.

- Қурғоқчилик мавсуми эди. Вужуди оловга айланган дашт қўйнида жаҳонгир Искандар кориз қазишга амр этади. Лашкарига саҳрода сув зарур эди. У халққа зулм қилиб, қудуқни зудлик билан қазишга даъват қилар эди. Қазувчилар орасида бир ўспирин йигит ҳам бор.

- Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, зулмкор бу шохни ер ютсин. Олгин, бир култум сув ич.-деган овоздан у ўзига келди. Қайрилиб қараса, онаизори кўзада сув тутиб турарди.

- Онажон, бу гапингизни асло биров эшитмасин.

Ўғил чанқоғи қонгунча сувдан ичибди. Бироқ, бирор ушоқ нон томоғидан ўтмабди. Ҳолдан тойган йигит боши айланиб ўтириб қолибди. Қўриқчилар бўлса йигитни қичаб қўймас эмиш. Кампир бояқиш уйига равона бўлибди. Йигит қудуқ қазир, кўзлари ҳолсизликдан ич-ичига ботиб кетган, юзидан дув-дув тер қуйилар эди. Туну кун қазилган жойдан, ниҳоят, сув отилиб чиқибди. Ўспирин бечора ўзи қазиган қудуқдан бир кафт сув

ичибди-да бошини бемажол ерга қўйибди. Шериклари уни ҳарчанд туришга даъват этишмасин, ўрнидан қўзғолмас эмиш. У жон таслим қилган эди.

Дили бежон, бағри қон ётган ўғлини кўрган онаизор “Коризи зулмкор, ўғлимнинг бошини единг, боламнинг уволи тутсин сени, золим шоҳ!” дея дуоибаяд айтибди. Йиғлай-йиғлай фарзандини сўнгги йўлга кузатибди.

Ҳамроҳим дафтарига қайд қилар экан, ёзишдан тўхтаб менга тикилди.

- Ҳим-мм,-деди мунгли афсонадан кўнгли хира тортган кўйи.
- Шунақа,-дедим мен бошимни қимирлатиб.

\* \* \*

Карвонсаройга етиб келганимизда қуёш ботишга чоғланиб турарди. Хизматкор ҳужрага кечки овқат олиб кирди. Овқатланиб бўлгач, икковимиз ётишга шайландик. Уни билмадим-у, аммо мен тош қотиб ухлаб қолдим.

Саҳар чоғи карвон яна йўлга чиқди. Карвон ўтар, ит ҳурар. Ҳали қишлоқдан олислаб кетганимиз йўқ. Саксовулзорга дуч келдик. Қишлоқ аҳли кўринишидан ўтган йили ғамланган саксовул ўтинларни ёқишарди. Ҳали охиригача ёниб улгурмаган ўтин устига одамлар тупроқ ташлашди. Улар шу тариқа қишга тараддуд кўришарди. Саксовул ўтини бу дашти биёбон ўртасида яшайдиган одамларини баҳорга омон олиб чиқади.

Йўл ёқасида бир тўда болалар чуғурлашиб, кўм-кўк бўлиб очилган такасоқолни теришга тушиб кетишди...

Чўпон хайдаб келаётган қўй-кўзилар, елдор эчкилар, елдор серка, унинг бўйнига осилган кўнғироқ жаранги, такасоқол чайнаётган тошбақа...

Кўкчитир, қораяпалоқ, қораўт, шувок, янтоқ, ёвшан чайнашга тутинган пода ортда қолди.

Бу ёғига яна дашту биёбон саҳро. Саҳро қўйнида замин қовжираб қолгандек лол. Вужуди оловга айланган замин қўйнида яна кўзга кўринмоқ учун сароб йўқолиб бормоқда. Карвон аҳлига бўйинларига тўрва халталар осилган дарвешлар тўдаси қўшилди. Улар ялангликда зикр туша бошлашди. Аллоҳни улуғлаб куйлаётган байтлари осмонга ўрларди. Карвон аҳли уч-тўрт дақиқа юришдан тўхтади. Дарвешлар зикр тушишар, кулоҳларини кўкка отиб, Аллоҳга ҳамду санолар ўқишарди. Улар давра қуриб ўтиришди. Атрофда янтоқлар-у ёвшан гулларининг хушбўй ҳиди анқийди. Бир дарвеш кумга чўк тушиб ғазал бошлади:

*Оқили бекаст, ди набодад вафо дар жаҳон,  
Чунки дар ин даҳр, на шоҳ монад, на гадо,  
Тоқати зуҳду савобат оқибат оят ба қор,  
Не кую кун, номи чики ту монад ёдгор.*

Унинг овозида нола бор эди. Ўзига қисмат билиб, дунёни пойи пиёда кезиб чиқишга қасд қилган дарвешлар яна йўлга равона бўлар экан, галма-гал байт ўқий бошладилар. Ушбу байтларни нафақат аҳли карвон, балки янтоқ гулига қўниб, бол йиғишга шайланаётган асаларилар, бошини косалари ичига яшириб, атрофга чўчиб боқаётган тошбақа ҳам мароқ билан тинглаётган кўринарди. Аравада бир маромда чайқалиб, ухлаб қолганимни

сезмадим. Туялар тепаликдан пастга қараб тушаётган маҳал бир қалқиб, чўчиб уйғондим. Ҳамроҳим сув ичаётиб:

- Чўчиб кетдингизми?-дея сўради.
- Жуда. Туш кўраётган эканман,-жавоб қилдим мен.
- Кимни туш кўрибсиз?-қизикди у.
- Ҳабибимни-дугонамни.
- Ҳмм,-деди у кош учириб.-Хўш, у сизнинг қайси босқичингизни босиб ўтаётган экан?-савол котди у.

Мен “билмайман” деган ишора билан елка қисдим. Вужудимни бир илиқлик чулғади. Унга бир воқеани айтиб бердим.

- Ўшанда,-дея гап бошладим мен, ҳамроҳим эса гўё бутун диққатини бир нуқтага жамлагандай тикилди.-Дугонаи Ҳабибимни излаб боргандим. Эшик очик эди. Беркитишни унутишибди-да дея ичкарига кирдим. Овоз эшитилди.
- Без тебя мне не жить, и с тобой мне не жить.-дерди хожаси хабибимга қараб. Ҳабибим оромкурсига чўкди. Юзи зоҳиран осойишта эди. Оёқларини ерга шип-шип уриб:
- Мен ҳам сенга ишониб қанчалар хато кетган эдим-а! Ўзимга ишонган каби ишониб эдим сенга. Камчиликларингни ютуқдайин қабул қилгандим.
- Ҳадеб гап билан калтаклайвермагин.

Ўшанда мен ўйланиб қолгандим. Нафсиламбрини айтсам, улар ҳаётнинг беғубор фаслидан ҳаяжонли дамларига сакраб ўтишган, сўнг ҳаяжон ўрнини аллақандай илиқлик эгаллаши арафасида туришарди.Дугонаи Ҳабибим менинг қайси босқичимни яшамокда экан, деган саволга жавоб тополмасдим.

Мени кўриб, улар қанчалар суюниб кетишган эди-я. Мен билан бирга уларнинг фаромуш кулбасига қуёш сирғалиб тушиб, ўз тафти билан иситгани рост эди.

Болалари чуғурлашиб:

- Қаердан келяпсиз?-деб сўрашади.
- Сабоқдан. Энди қариганда ҳам билим олишимга тўғри келяпти. Тирикчилик экан-да,- дейман.

Улар қўлимдан тортқилашади. Ташрифим барчани суюнтириб юборди. Улар ўртасидаги кўринмас парда сурилган эди. Мени хонадон тўрига таклиф этишди.

\* \* \*

Анчадан буён унут бўлган бир ҳис вужудимга қайтди, биз болалигимизни эсладик... Ўшанда сабоқдан сўнг бирга уйга қайтардик. Ўзимга биркитилган юмушни тугатишим даркор эди. Бўлмаса онам ҳеч нарса демасди-ю, Сора опамдан балога қоламан. Унинг устига юмушни тугатгач, опам алифбодан сабоқ ўргатади. Деворнинг нариги тарафидан овоз эшитилди:

*Дугонам жони дилам,  
Зардолия канда гирам.*

Девор ортидан келаётган овозга жавоб қайтара олмасдим. Чунки ёнимда Сора опам бор. У гуллар ичида ўсган бегона ўтларни ўташ билан овора. Нима қилсам? Фақат хабибим ва менгагина таниш бўлган усулни қўлладим. Девор оша икки тош отдим. Сўнг яна бир дона тош отдим. Бу “кутиб тур” деганим эди. Агар тош отмасам кўчага чиқа олмаслигимни



тушунса бўларди. Энди ҳабибим шўрлик мени кутавериб, тоқати тоқ бўлиши тайин. Опам ўтоқни тугатиб, ошхона томон кетди. Мен юмушимни тугатиб, кўчага чоғландим. Опамнинг қораси кўринмай қолди. Оёғимни кўлимга олиб, ташқарига отилдим.

- Қаёққа ғойиб бўлдинг дарров?-опамнинг овози эшитилди. “У-ф-ф” дердим ичимда, бироқ мен хайриятки кўчага чиқиб улгургандим. Бечора кутавериб, хуноб бўлиб турган экан, мени шумшайиб қарши олди. Ўша воқеани эслаб, хўп кулдик.

Болаликнинг бедор эпкинлари ҳаётнинг икир-чикирлари таъсирида ғужғанак бўлиб ўртанаётган юрагимизни овунтириб, елпиб совутмоқда эди. Болаликда кечган ҳар бир кунинг қиёси йўқ бахтиёр дамлар бўлиб, мана шу митти юрагимизга муҳрланганди. Юрагим саҳифаларига ўз муҳрини босган хотираларни даврларнинг димоғдор эпкинларида сидириб ташлашга қурби етмагай. Шу пайт унинг ўғли келиб, қулоғига бир нималарни пичирлади. Меҳмоннинг қорини гап билан тўйғизяпсизми, демоқда эди.

- Мен онангнинг овқатини эмас, суҳбатларини қўмсаб келганман,-дедим. Ўртага дастурхон ёзилди. Тамадди қилиб бўлгач, болалар ўйнагани ҳовлига чиқиб кетишди. Биз иккимиз ёлғиз қолдик. У менга бир ҳикояни сўзлаб берди.

- Помир тоғи музликлари тобистон куёши таъсирида эриб, Амударёга қўшилиб оқарди. Хоразм тамаддунининг Тангри ёрлақанган, Гурганж ва Хивада ўрнашган Хоразмшоҳлар салтанати Помирдан Тёншонгача, Форс кўрфазидан Фирот ва Дажла дарёлари оралиғигача ўз таъсирини ёйганди. Қобилон дарвозасидан бир аёл ичкарига қадам ташлаган эди. Унинг қалб торлари “тирс” этиб узилиб кетгандек эди гўё. Бу дарвоза уни ўзи туғилиб ўсган она юртидан ажратиб тургучи бир тўсиқ бўлиб кўринарди ҳар гал. Қиморбоз ва майпараст эридан кўнгли қолганлиги рост эди. Ноилож харобаи бенаво кулбасига қадам ташлади. Сўнг падари бузрукворига ўзини бу даргоҳдан олиб кетишини ўтиниб сўровчи бир нолаи мактуб битди. Бояқиш отасини кутавериб, қадди камон, ранги сомон бўлганди. Учинчи кун деганда отаси кўриниш берди. Қизи ўртаниб йиғларди. Отаси унга “Қиз бола палахмон тоши, отган еринга бориб тушади. Тошдай вазмин бўл, сен энди бировнинг хасмисан, сув келса симириб, тош келса кемириб яша. Сенга маслаҳат беришим, овунтиришим мумкин, лекин ўзим билан бирга олиб кетмоққа асло ботина олмасман.” қабилда ўғитлар қилди. Набирасини қучиб, пешонасидан ўпганча қизининг даргоҳидан чиқиб кетди. У отасининг кетидан ўртаниб йиғлаб қолди. Отасини қаҳри қаттиқликда айблади. Лекин падари бузруквори унга ҳаётнинг аччиқ сабоғини бериб кетганлигини у кейин англади. Шу тариқа унинг кунлари бир маромда руҳсиз ва ҳиссиз кечарди. У соҳил бўйига боришни одат қилганди. Чунки нариги қирғоқда ота-онаси яшарди. Борай деса сувлар тошқин, бора олмасди. Тарам-тарам тўлқинлар қирғоққа тинмай уриларди. Соҳилдаги қайроқтошлар кўзига ажабтовур кўринарди. Эрмак учун бирининг устига бошқасини отди. Бу тошларга мафтун бўлса-да, кетар чоғи ўзи билан олиб кетишга ботинмади.

- Қизим, доим сени шу ерда кўраман, бу ерларда нима қиласан ўзи?-деган овоз келди.

- Ўзим, шунчаки.-деди.-Ўзингизчи?

- Мен табибман, шиллиққурт, зулукларни териб юрибман.- Шу тариқа улар доим шу ерда учрашадиган бўлишди. Бир гал у соябон аравада ўғлини ҳам олиб келди. Ўғли ҳам тилсиз қайроқтошларга мафтун эди. У беш дона тошни онаси қўлига тутиб:

- Сангча ўйнанг, мен томоша қиламан,-деди.-У сангча ўйнади. Қайроқтошлар бир-бирига қарс-қарс урилиб, болақайни ўзига маҳлиё қиларди. Аёл болани хизматкорга топшириб, соҳил бўйлаб айлантиришни буюрди. Ўзи эса тўлқинлар шивирига қулоқ тутиб, узок ўтирди. Табиб хоним унинг ёнига келди:

- Дардингни олай, қизим, бунча мотамсаросан? Сени ким бунчалар хафа қилди?

У даст ўгирилиб қаради, аммо лом-мим демади. Аёл саватини четга суриб, унинг кўлларидадан тутди:

- Ҳожанг хунукми, балки унга кўнгилсиздирсан-а?-деб сўради. Туйқусдан ҳожаси ҳақидаги савол уни таажжубга солди.
- Йўқ, хунук эмас, унинг бошқа бир қусури бор.
- Айтавер, мен сир сақлашни биламан.
- Унга ҳеч кимнинг кераги йўқ, қимор-у май бўлса бас.
- Ҳим-м-м. –хоним жимиб қолди.-Уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилдингми?
- Қилдим, бироқ нафи бўлмади.- Ҳафсаласиз кўл силтади.
- Сен ундай қилмагин, ҳожангни менинг ҳузуримга олиб кел, мен табибман ахир.

Улар хайрлашишди.

У уйига етиб келганди.

- Тикайдиган ҳеч вақоим қолмади сендан бўлак.-Кайфи тароқ эри тинмай гапирарди. Аёлни титроқ босди. У уйдан ташқарига чиқди. Кун бўйи тортган азоблари оқибатида ерга қулади, худди ёш бола каби ўкириб йиғлай бошлади. Атрофда есаётган шамол сочларини тўзғитди. Ўғли унинг ёнига келди. Қандай фожеа рўй берганини билмаса-да, онасининг ҳоли танг эканини ҳис этиб турарди.

- Туринг, туринг,-дерди бояқиш. У хушёр тортди. Ичкари киришди. Қараса, ҳожаси ерга бағрини бериб ётарди.

Ташқарига чиқиб, хизматқорни имлаб чақирди. Улар бир амаллаб ҳожасини аравага чиқаришди.

\* \* \*

- Нега безовтасан, ўғлим,-дея ҳол сўради хоним.
- Э-э, дилим ғорат-ҳарорат! Онажон, мен қаердаман ўзи?
- Ҳаммаси изига тушиб кетар.
- Ҳаётим аллақачон барбод бўлган.
- Йўқ, ундай дема, тавба қил, тавба.

Хоним ҳужрадан чиқиб кетди. Орадан бироз вақт ўтиб яна қайтди. У шароб беришларини сўради. Бу майпараст қиморбознинг қалбини табиб аёл ботиний олами билан кўриб, ҳис этиб турарди.

Хоним дуо ўқий бошлади. У аста-секин тебранди. Қироат қилинаётган дуолар аввал атрофга, сўнг ҳужра шифтларига урилди. Энди тилсиз шифтлар ва деворлар дуолар ижобатини кутаётгандай. Майпараст зикри само тушаётган каби тўлғонди. Бу дуога унинг дардчил руҳи кўшилиб учарди. Кунлар ўтарди. Ўқилган дуолар уни меҳробга бош қўйиб, сажда қилмоқ учун иймон даричаларини очиб, кўлидан етаклаб бормоқда эди. Қалби иймон нурига чулғанди. Аллоҳ уни ёруғликка чиқаргани каби энг улуғ кунларни ваъда қилаётгани ҳам рост эди. Бу ваъдада иймон ва эътиқод куртак очганди. Ўзига келган ҳожа ўғли ва аёлини эслади.

Оиласи сирини ҳеч бир кимсага айта олмайдиган аёл кашталарга дардини тўкиб солар экан. Бир куни у таомни ўзи тиккан матога ўраб хизматқордан жўнатди. Ҳожаси қараса, каштада акс этган япроқлар юрак суратини олган эди. Япроқ шохлари баайни қон томирлари каби нақшланган, четидаги гуллар эса дилгир-дилафгор.

Бекасининг ички олами каштага кўчганини тушуниб етди.

- Нега беканг келмади?-савол қотди у.

Хизматкордан тайинли жавоб ололмагач, ўйланиб қолибди. Шунча йил бирга яшаб, аёлининг кўнгил сирларига ошно бўлмай яшаганлиги унга алам қиларди. Энди у аёли қалбини кашф эта бошлабди.

Ҳабибим мунгли ҳикоясини тугатди. Кечки овқатни тамадди қилиб бўлгач, болалар билан бир оз гурунг қилдим. Ниҳоят, болалар дам олгани кириб кетишди ва биз яна ёлғиз қолдик. “Бесприданница”га бағишлаб ёзилган “Жестокий романс”ини куйлаб беришини сўрадим. У виолончели ёрдамида романсни куйларди...

\* \* \*

Тун кўйнида дам олмоққа чўккан туя ва одамлар кўзига уйқу илинди. Кўзимни очсам куёш тонгни уйғотиб улгурган эди. Биз манзил томон илгарилардик. Қишлоққа етай деб қолгандик.

Мана, етиб ҳам келдик. Ниҳоят, ҳамроҳим билан хайрлашдик. Мени онам кутмоқда эди, майсаларни босиб ўтарканман, унинг даргоҳига шошаман. Томирларимда номаълум бир қон жўш уради. Қон танам ичра кезиниб юраркан, вужудим олов бўлиб ёнаётгандай. Аллақандай бир тушуниксиз ғашлик аҳволи руҳиямни чулғаб олган. Бу ғашликни на қуча оласан ва на арита. Чап кўксимда бошланган санчиқ қошларим ўртасига чизик тортганди.

Бир лаҳза ўзимни йўқотгандай эдим. Қорачиғимда сукунат, лабларимда сўзларим қотди.

Рухим осмонга ўрлади. Ихтиёрим ўзимдан чекинди. Мен “муқаддас қатл” майдони сари хур ва озод қадам ташлаб борардим. Қил кўприкка етиб келдим.

“Қиф-ун-зун”, “Тўхта ва томоша қил” деган буйруқ келди. Тонг тун кўйнида эркаланарди. Бунақанги фаромуш, дилтортар тонгни кўрибмидим мен? Жамолини алланечук эриниб кўрсатаётган куёш шуълалари тонгнинг майин шаббодасига кўшилиб кетаётир. Осмон равоқларида тонгнинг ҳарир пардалари қия кўтарилиб, Зарнигор кўринди.

- Зарнигор, сени омон кўришимни билардим,-овозим алланечук титраб чиқмоқда эди.- Кўзлари шахло қизим.

Мен йиғлаб юбордим. У қўлларидаги пиёла ва чойнакни токчага кўйди, сўнг шаҳодат бармоғини лабларига босган кўйи менга сўз қотди.

- Ўзидан бошқага эҳтиёжимиз йўқ, йиғламанг.

- Донишмандим, марғуба қизим,-дедим бўғзимга тикилиб келган аллақандай кучни босар эканман.

Уни кучгани қадам ташладим, қил кўприкдан ўтсам бас. Бир баҳя қолган эди-я!

- Ҳукм сизга эмас, энамга чиқарилган. У ёқда муддатингиз тугагани йўқ. Бу ҳақда амр бор.

Қорачиқларимда сукунат, лабларимда Зарнигорга айтилмай қолган сўзларим қотиб қолганди.

“Отанг ва онангни, ўғил ва қизингни танлай олмайсан, улар инъом этилажак кишига. Онангдан хабар ол. Сени яна қайта яратгум ва энди бунда сен хур ва озод шамолларни кучиб кўз очгайсан!” Овоз кулоқларим остида муаллақ қотди.

Шохлари осмонга тегиб тургувчи шамшод дарахти қўйнида паноҳ топгандим. Юзларимга уч-тўрт совуқ томчи ташланди. Сўнг исёнкор шамолларга панд бериб, ҳали инсон оёғи тегмаган зумрад майсалар қўйнида кўз очдим. Сўкмоққа чиқиб бордим. Бу сўкмоқ мени онам даргоҳига элтмоқда эди.

Бир ғарибдан сўрашган экан:

- Кўз тегмасин, фарзандларинг бири-биридан аъло. Қай бирига кўпроқ меҳр қўйгансан?

У жавоб қилибди:

- Ҳеч бировига. Аввал Аллоҳга, сўнг онамга, кейин отамга меҳр қўйганман.

- Фарзандларинггачи?

- Бу бошқа қўшиқ.-жавоб қилган экан у.

Мункиллаб қолган онамнинг жисмига жон, танига қувват кирганди. Хира кўзлари жилоланди. Қўлларини қўлларимга қўйди, қучди.

Ўзимни олиб отгандим дарё мисол уммон бағрига...

Дилимдаги сел кўзларимдан оқа бошлади. Томчилар тома бошлайди. Далли хаёлимда изтироб ўрмалайди. Энди музлар эрийди. Қорачиғимда қотган сукунатнинг тили чиқади. Қабогимда қариб, соб бўлади ўтмиш хотира. Юрагим лақча чўғдай ёнади. У қадок қўллари билан сочимни силайди, тарайди.

Пичирлайди:

- Бу дунёда киши йўқдир армонсиз. Ватанда - ватансиз. Ўзи шундай бўлади. Аслида ҳаммамиз меҳмонмиз.

Зарнигорни кўрганлигимни айтдим.

- Вабодан ўлган шаҳиддир.-далда беради у менга.

Мен амр ҳақида оғиз очмайман. Энди дилимдаги ғашлик ариган эди.

\* \* \*

Туннинг қоқ ўртасида онам “Таҳажжуб”ни ўқиди. Шу бўйи кечани тонгга улади. “Саловати тунажжим”ни қироат қилаётганди... Осмон равоқларида тонгнинг ҳарир пардалари сурилган маҳал руҳлар самога шайланди...

Исми нима эди? Лаънати вақт қаҳрабо талқонни гулгун юзига сепиб улгурган, талқон юзли - доғли, ажин оралаб тарашамисол тиришган, ғамдан сочларига бит оралаган ёсуман кампирмидинг, айт, дунё?!

Ва ёки энди туғилган, ҳали шўри кетиб улгурмаган, кўзлари кўзмунчоқ кўзичоқмидинг, айт, фалак?!

Ёки тўсдай қора осмон денгизида бознаб турган беҳудуд юлдузлар, қуёши чарақлаган осмон, гуллари қийғос очилган замин, тўлқинлари сўлим мажнунтол каби елпиниб, қирғоқларига урилиб тургувчи дарё, куймаланиб узунчоқ гулли такасоқолни теришга тутинаётган болақай, шарпамга кулоқ тут. Янтоқлар гулига қўниб, бол йиғишга

шайланаётган асаларилар, сиз-да огоҳ бўлинг. Бошини косаси ичига яширган кўйи чўчиб атрофга боқаётган тошбақажон, сен-да хайратланма, шарпамга кулоқ тут!

Кулбадами-кошонадами “Ватанда - ватансиз” - бу менман. Бахтсизлик - бахт, дегувчи ҳам ўзим. Боз устига бахт - бу бахтсизлик, дея оламан.

Майли энди, бу асов ҳайқириқ етти шамшир дамани кесиб ўтсин. Ибтидодан интиҳога қадар йиқиламан-тураман, йиғлайман-овунаман!

Кимнидир шоду хуррамлик сўнгида - азоб, кимнидир машаққату заҳматлар якунида шодлик кутмоқдадир. Бу ҳайқириқни маконларнинг залвори, замонларнинг димоғдор, эҳтимол, мақтанчоқ-да эпкивлари сидира олмас...

Икки дунё саодатига етишгайсиз илло, онажон!

*Ҳолланд, 2007 йил, ноябр.*